

МУЛТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИ ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛК БОСҚИЧИ СИФАТИДА



Шамсиддин ЖУМАҚУЛОВ

ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

jumakulovs@mail.ru

Аннотация

Мақола мултимедиа воситалари ёрдамида нутқ компетенциялари орасидаги энг зарури ҳисобланган тинглаб тушуниш маҳоратини ошириш усуллари ёритишга бағишланган. Шунингдек тил таълимида мултимедиа воситаларидан самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

Статья посвящена важному аспекту – развитию и улучшению аудирования, прослушиванию и пониманию материала при помощи мультимедийных средств. Таким образом, речь будет идти о том, что при изучении языка использование мультимедийных средств считается в наши дни важной задачей.

Abstract

The article is devoted to cover the ways of evolving listening comprehension which is reckoned one of the most essential skills of speech competence through using multimedia devices. Furthermore, it is noted that using multimedia devices effectively in language teaching is to be the actual issue of the present time.

Калит сўзлар: компетенция, маҳорат, коммуникация, малака, анимация, қобилият, восита, мултимедиа, жараён.

Ключевые слова: компетенция, умение, коммуникация, опыт, анимация, возможности, средства, мултимедиа, процесс.

Keywords: competence, skill, communication, experience, animation, ability, device, multimedia, process.

Маълумки, хорижий тил таълимида ўқувчи-талабаларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантиришда тинглаб тушуниш ва сўзлаш малакалари етакчи ўринда туради. Чет тилларини ўрганиш, аввало, ўрганилаётган тилни тинглаш ва тушунишга ҳаракат қилишдан бошланади. Коммуникация жараёнида, одатда, коммуникантлардан бири гапиради, иккинчиси эса тинглайди. Демак, гапириш ва тинглаб тушуниш жараёнлари бир бирини тақазо қилади, тўлдиради, мустаҳкамлайди ва ҳатто бир-бирини назорат қилиб туриш вазифасини ҳам бажаради. Тинглаш жараёнида нутқни тушуниш тингловчига ўз билими даражасини аниқлаб олиш имкониятини ҳам беради. Айни пайтда гапириш жараёни ҳам ҳамкорнинг тинглаб тушуниши ва

муносабат билдиришига асосланади. Демак, чет тилини ўрганишда оғзаки нутқ малакасига эга бўлиш тинглаб тушуниш ва сўзлаш кўникмаларини узвий боғлиқ тарзда ўрганишни талаб этади. Бу кўпчилик олимлар, методистлар, педагоглар томонидан тан олинган бўлиб, уларнинг тадқиқотларида чет тилларини ўзлаштиришда, хусусан, тилни соф ҳолда, аслиятида тинглаб тушунишдан бошланиши қайд етилади (4, 145–146).

Таълим жараёнида ўқувчилар ўзлари ўрганаётган тилни ўз соҳибларидан эмас, балки ўқитувчилар нутқи орқали ўрганадилар. Бу тилни соф амалий ҳолатида ўзлаштириш имкониятини бирмунча чеклаб қўяди, чунончи, чет тили товушлари талаффузи, нутқ темпи ва интонацияси турли акцентлар билан ўзлаштирилишига олиб келади. Одатда, кўпинча чет мамлакатларида бир муддат яшаган ёки тез-тез бориб турадиган ёхуд чет элликлар билан бевосита мулоқот қилиб турадиган ўқувчи-талабаларгина чет тилида соф ҳолатида ва эркин сўзлаша оладилар. Демак, чет тилларини аслиятида тинглаб тушуниш орқали ўрганишнинг аҳамияти ниҳоятда катта, бироқ бундай имкониятлар ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Тилларни ўрганишда медиатаълим воситаларини қўллаш айнан шу бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беради. Ушбу мақолада инглиз тилини ўрганувчилар нутқини ўстиришда медиатаълим воситари орқали талабаларнинг тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантириш масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Мултимедиали усулни, тизимни инглиз тилини ўргатишда ўқувчи-талабаларга берадиган ёрдамни баҳолаш қийин эмас. Мултимедиа бир вақтнинг ўзида экранда ва компьютер диктафонидан куйидагиларни тақдим этади (1, 68):

- a) Графика – объектнинг ўзини тасвири;
- b) Матн – ўрганилаётган тилда ва унинг она тилидаги таржимаси;
- c) Товуш – матннинг инглиз тилидаги талаффузи;
- d) Қайта жойлаштириш – “сичқонча” ёрдамида объект билан ҳар хил операциялар бажариш имконияти;
- e) Анимация – объектнинг ҳаракати жараёнида кузатиш имконияти.

Юқорида барча қайд қилинганларни ўқувчининг ўзи мултимедиали дарс ўтказишнинг иштирокчиси – ижроқисси бўлган ҳолда ўтказиши мумкин.

Мултимедиа воситалари турлича бўлиб, улардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Магнитофон, CD ва DVD

Магнитофон таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган воситалардан бири, аммо ҳозирги кунда бу воситанинг ўрнига кўпроқ DVD дан фойдаланилади. Бу техник воситадан фойдаланиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Магнитофонга овозни ёзиб олиш жуда осон йўл билан амалга оширилади. Бунинг учун фақат магнитофон ва магнит тасмаси кифоя.

Талаба ўз устида ишлаш мақсадида ўз нутқини ёзиб олиши ва ўқитувчининг иштирокисиз магнитофон билан мустақил ишлаши мумкин. Бу имконият тинглаб тушуниш малакасини ривожлантиради ва талаффузни тўғрилашни осонлаштиради. Магнитофон таълим жараёнини

индивидуаллаштириш имконини беради. Магнитофон тил материалининг барча турлари фонетика, лексика, грамматика билан ишлашда кенг қўлланилади, ҳамда таълимнинг барча босқичларида: тил материали билан таништириш, машқ қилиш ва нутқий амалиёт жараёнида кенг самара беради.

М.В. Ляховскийнинг фикрича, магнитофон билан қуйидаги машқларни муваффақиятли бажариш мумкин (3, 21):

- 1) Акустик ва артикуляцион кўникмаларни шакллантириш, сўзларни ва грамматик қурилмаларни эсда сақлашга оид тинглаш ва такрорлаш машқлари;
- 2) Фонетик, лексик, грамматик ҳодисаларни таниб олишга оид топиш, танлаш ва кўрсатиш машқлари;
- 3) Лексик ва фонетик малакаларни ривожлантиришга оид синоним, антоним, омоним, пароним (homophone) лар бўйича машқлар.

Бундан ташқари, магнитофон ёрдамида нутқий машқлар ҳам бажарилади. Бундай машқлар айниқса тинглаб тушуниш ва гапириш малакаларини ривожлантириш учун талабаларга магнитофон ёки DVD дан кўйиб эшиттирилади. Кўпроқ эшитиш натижасида талабанинг талаффузи аста-секин яхшиланиб боради. Машқларни бажараётганда ёзма матннинг бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Бунга сабаб кўриш аъзоси бир секундда эшитиш аъзосига нисбатан олти ярим марта кўп ахборотни қабул қилиш имкониятига эга. Шунинг учун тинглаш пайтида ўқувчи кўз олдида матн турса, ўқувчи матнни тез ёки орқада қолиб ўқиши мумкин ва сўзларнинг айнан талаффузига яхши эътибор бермаслиги мумкин. Аммо тинглаб тушуниш қийин бўлган номлар, исмлар, сана ва талаффузи қийин бўлган сўзлар ёзма равишда ўрганувчи кўз ўнгида бўлиши тинглаб тушунишга ўргатиш самарадорлигини оширади. Шунда талабага талаффузи қийин сўзларни ҳам ўрганиш осонлашади.

Кинофилмлар

Ўқувчилар кинофилмлар ёрдамида тилнинг амалда қандай ишлатилиши билан танишади. Филм орқали ўқувчи маълум ситуацияда нутқ намуналарининг қўлланилиши, ўзини қандай тутиши, тил соҳибига хос бўлган паралингвистик хусусиятлар билан шунингдек сўзлар талаффузи, гаплар оҳанги билан танишади. Филмни томоша қилиш жараёнида кўриш ва тинглаш идроки бирлашади ва ўқувчи бу икки канал орқали тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихи, географияси, маданияти, турмуш анъаналари ва бошқалардан хабардор бўлади. Филмни томоша қилиш тилга қизиқиш уйғотади. Эмоционал таъсир ўтказиши. Буларнинг ҳаммаси таълим самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

Аудио ва видео тасмалар

Шунингдек биз аудио, видео, электрон материаллар яъни аудио кассета ёки дисклар, видео кассета ёки дисклар, телевидение ва радио эшиттириш воситаларини инглиз тилини тинглаб тушунишни ўргатишда қўллашимиз мумкин.

Бу воситалардан инглиз тили тил материаллари ва нутқ фаолияти турларида фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда инглиз тилини ўрганиш ва ўргатиш учун турли таълимий аудио ва видео дисклар мавжуд. Юқорида

таъкидлаб ўтилганидек, бу дисклар орқали инглиз тили грамматикаси, лексикаси, талаффузи ҳамда инглиз тилида гапириш, ўқиш, ёзув ва тинглаб тушунишни ўрганиш мумкин. Бундай дисклар сирасига инглиз тили маҳаллий сўзлашувчилар томонидан ишлаб чиқилган дарслар тўплами киритилган дисклар, инглиз тилидаги турли кино ва мултифилм дисклари (субтитри билан), Англия ва Америка мамлакатлари, уларнинг географияси, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалари, тарихи, адабиёти ва халки, урф-одатлари, байрамлари ҳақида инглиз тилида маълумот берувчи видеодастур дискларини киритиш мумкин. Бу дисклардан ўқувчи-талабалар ва тил ўрганувчилар мустақил равишда фойдаланишлари мумкин. Tell Me More, Accelerated Reader Tests, Top Tips for Academic English, My ET, ESL podcast, Lingvo шулар жумласидандир (2, 152).

Телевидение дастурлари

Биз телевизор орқали турли каналларни, жумладан, инглиз тилида олиб бориладиган BBC каналларидан тил ўрганишда фойдаланишимиз мумкин. Уларнинг тил ўрганишда аҳамияти катта. Бир вақтнинг ўзиде биз янгиликлардан хабардор бўламиз, турли телевизион дастурларни, киноларни кўрамиз ва инглиз тилидаги даражамизни, тинглаб тушуниш қобилитимиз ҳамда малакамизни ривожлантираемиз. Энг муҳими бу телевизион дастурлар бизга ўрганган тил материалларимиз – лексика, грамматикани қандай кўллашни ва нутқ вазиятларини кузатиш имконини беради. Тунер қурилмаси ёрдамида телевизорда кўраётган кўрсатувларни қайд қилиб ёзишимиз ва уни қайтадан кўришимиз мумкин.

Тил ўргатишда қайси техник воситадан фойдаланилмасин, уларнинг барчаси ҳақида ўқитувчи билиши, уларни ишлата олиши, ўқувчи-талабаларга ўргатиши талаб этилади. Шунингдек, бу воситалардан фойдаланганда дарс ўтиш учун қандай тайёргарлик кўришни ва материал тайёрлашни билиши зарур.

Демак, медиатаълим воситаларини жорий қилиш, инглиз тилини ўқитиш услубларини давр талабига жавоб беришини таъминлаш педагог-олимлар ва методистларнинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ёкубов И. Амалий инглиз тили методикаси. – Т., 2011. – 68 б.
2. Media. Goteborg: UNESCO & NORDICOM, 2001. – 152 p.
3. Казаков Ю.Н. Педагогические условия применения медиаобразования в процессе профессиональной подготовки будущих учителей / Казаков Ю. М. Автореф. ...канд. педагог. наук по спец. 13.00.04 – теория и методика профессионального образования. – Луганск, 2007. – 21 с.
4. Мададов П.Й. Формирование личности в процессе обучения// Инновация, качество образования и развитие (сборник материалов III Международной научной конференции) – Баку: Təhsil işçisi mətbəəsi. MMC. 2014. – С.145–146.